



Taqiqot.uz



ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

TOMAS ALVA EDISON  
(1847-1931)

2022  
MART  
№38



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

[www.taqiqot.uz](http://www.taqiqot.uz)

[www.conferences.uz](http://www.conferences.uz)



**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ  
АНЖУМАНЛАР:  
1-ҚИСМ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ  
КОНФЕРЕНЦИЙ:  
ЧАСТЬ-1**

---

**NATIONAL RESEARCHES OF  
UZBEKISTAN: CONFERENCES  
SERIES:  
PART-1**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

**“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]**

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 38-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 март 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 31 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохода Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги хузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

**6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ**

<b>1. Кенжав Бахтиёр Тўлабоевич</b> ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ РАҶАМЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ .....	7
<b>2. Маҳмудходжаева Умида Муминовна</b> ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАРНИНГ ЗАРАРЛИ АХБОРОТ МУҲИТИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ОТА-ОНАЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ .....	10
<b>3. Абдуллаев Боймурод Жўраевич</b> ХУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРASI СИФАТИДА МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ .....	13
<b>4. Рахимберганова Бону Давлатназаровна</b> МЕҲНАТ ҲУҚУҚИДА МУДДАТЛАРНИ ҚОНУНИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ .....	16
<b>5. Қушбоқов Шоҳруҳ Ҳасан ўғли</b> ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДА ТУШУНЧАСИГА ТАВСИФ .....	19
<b>6. Аъзамхужаев Умидхон Шавкат угли</b> ДОГОВОРНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ТРАНСПОРТНЫХ СВЯЗЕЙ УЗБЕКИСТАНА В РАМКАХ ШОС .....	21
<b>7. Санжарбек Сафаров Абдуллаевич</b> ЛОМБАРДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРИХИЙ-ҲУҚУҚИЙ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ .....	25
<b>8. Xonimov Sharofutdin Baxodirovich</b> VIEWS ON THE DEVELOPMENT OF POLITICAL AND LEGAL CULTURE OF YOUNG PEOPLE IN UZBEKISTAN, ESPECIALLY YOUNG FAMILIES .....	27



## ХУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

### ИҚТИСОДИЙ СУД ИШЛАРИНИ РАҶАМЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ

**Кенжаев Бахтиёр Тўлабоевич**

Фиждуон туманлааро

иқтисодий судининг судьяси

Телефон: +998997950377

i.gijduvon@sud.uz

**АННОТАЦИЯ:** Охирги йилларда йилларда судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз хуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман одил судловга эришишни ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини берди. Шунингдек, бутунги кунда судларда ишларни кўришда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинмаганлиги сабабли асосан қозғалшида амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар турини кенгайтириш бўйича ишларни жадаллаштириш талаб этилмоқда.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** одил судлов, раҷамлаштириш, очиқлик ва шаффофлик тамойили, давлат, инсон, жамоатчилик назорати, интеграция, эркинлаштириш.

Бугун бутун дунёда пандемия шароитида раҷамли судларни ривожлантириш жадаллик билан олиб борилмоқда. Сунъий интеллект одил судлов соҳасидаги барча турдаги муаммоларни ҳал қилишда - судялар фаолиятини оптималлаштириш, электрон хуқуқий маконни шакллантиришни қамраб олмоқда.

Суд ишларини раҷамлаштириш борасида Хитой дунёдаги энг илғорлар давлатлардан биридир. Хитойда иқтисодий даъволар тўғридан-тўғри платформаларда кўриб чиқилади ва иқтисодий иш материаллари сунъий ақл билан баҳоланади. Бироқ, якуний суд қарори судьяга тегишли бўлиб, у «компьютер қарорини» ўзгартириши мумкин. 2019 йил охирига келиб, Хитойнинг платформа судлари қарориб уч миллион суд ишларини кўриб чиқдилар. Платформада энг куп кўрилган суд ишлари сифатида тижорат низолари, муаллифлик хуқуқи ва электрон тижорат ишлари саналади.

2005 йида Ҳиндистон суд тизимида Ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жорий қилиш бўйича Миллий сиёsat ва ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Ҳиндистон суд тизимини ўзгартиришга қаратилган Ҳиндистон Олий суди электрон қўмитаси тузилган.

Ҳозирги кунда Ҳиндистон Олий суди «Video» дан, Керала Олий суди «Zoom» дан фойдаланмоқда, Карнатака штати Олий суди ўзининг ички видео конференция воситасидан фойдаланмоқда, Дехли Олий суди WebEx ва бошқаларни ишлатмоқда.

Пандемия сабабли инсон хуқуқларини таъминлаш ҳамда одил судлов фаолиятини таъминлаш дунёнинг илғор мамлакатлари учун ҳам долзарб масалаларидан бири бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишида суд тизимини тубдан ислоҳ қилиш белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрь куни қабул қилинган “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 21 февраль куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 30 августдаги “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация



технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида суд тизимини модернизация қилиш хусусан суд-хуқуқ соҳасида замонавий техника воситаларидан фойдаланган ҳолда фуқароларимизнинг хуқуқ ва манафаатларини химоя қилиш долзарб масалаларига тўхталиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори суд ишларни рақамлаштиришга қаратилган улкан кадамларидан биридир.

2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудио ёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш;

2021 йил 1 июлдан бошлаб апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судъяларўртасида автоматик равишда тақсимлаш;

2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида SMS хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш;

2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш;

2022 йил 1 июля қадар суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида 10 га яқининтерактив хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш;

2023 йил 1 январдан бошлаб суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш;

судлар, Судъялар олий кенгаши ҳамда Судъялар олий мактабида ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини янада яхшилаш кўздатутилган.

Қарорда кўра, куйидагиларни назарда тутувчи Судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича “йўлхаритаси” тасдиқланган.

Унга кўра: 28 та давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Баш вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ахборот тизимларини Олий суднинг ахборот тизимиға босқичма-босқич улаш;

-судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этиладиган маълумотларни электрон шаклда юбориш;

-муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва хужжатларни фуқароларни овора қилмаган ҳолда судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиш;

-судлар томонидан жарималарни камайтириш ёки уларни қўлламаслик масалаларини кўриб чиқишида “Ижтимоий химоя ягона реестри” ва бошқа ахборот тизимларининг интеграцияси орқали фуқаронинг мулкий ҳолати ва ижтимоий аҳволи ҳақидаги ишончли маълумотлар билан танишиш;

-судлар томонидан алимент миқдорини белгилашда туманлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақлари тўғрисида маълумотларни ахборот тизими орқали электрон шаклда олиш белгиланган.

Мамлакатимизда рақамли одил судловни ривожлантиришда иқтисодий суд иштирокчилари учун электрон воситалар (мобил иловалар, хужжатларни расмийлаштириш бўйича Интернет хизматлари) яратиш.

Иқтисодий ишларни кўриб чиқиш жараёнини тезлаштириш, хусусан, уларни масофадан туриб ҳал қилиш йўли билан, судга бормасдан суд мажлисларида иштирок этишни таъминлашдан бошлаш зарур.

Сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда далил ва турли фактларни кўриб чиқиш, гувоҳларни сўроқ қилиш, таржимонларни жалб қилиш тартибини жорий этиш зарурати мавжуд.

Рақамли судларни ривожлантиришда уларнинг мобил иловаларни яратиш сезиларли тўсиқлар мавжуд. Бу ҳозирги низоларни ҳал қилиш тизимининг консерватизмидир. Аммо судялар фаолиятига янада замонавий усул ва воситаларни жорий этсак, улар янги технологияларни ўрганишлари керак бўлади. Бунинг учун улар, бизнинг фикримизча, ҳали тайёр эмаслар.

Суд ишларини рақамлаштиришнинг уч асосий сабаблари мавжуд:



- оддий халқ учун одил судловга эришиш имкониятини таъминлаш;
- суд-хуқуқ соҳасига ахборот технологиясини татбиқ этишни жадаллаштириш;
- »рақамли адолатни»халққа «хизмат» қилишини таъминлаш.

Технологик ислоҳотлар суд тизимиға яхлит бирлик сифатида қараши керак. Мамлакатимиздаги барча судларга ягона технологияларни тадбиқ этиш лозим.

Интернет орқали судга ҳужжатларни топширишнинг аниқ афзаликлари қулайлик ва вақтни тежашдир.

Иқтисодий ишларни рақамлаштиришнинг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

- суд ҳужжатларни юбориш ва қабул қилиш кечиктирмасдан содир бўлади;
- суд ҳужжатларини қабул қилиш процессуал муддатларга боғлиқ;
- юборилган ҳужжатлар тизимда марказлаштирилган ҳолда сақланади ва судга мурожаатин ва ҳолатини кузатиш мумкин;
- почта жўнатмаси билан боғлиқ ва бошқа харажатлар, шунингдек судга мурожаат қилиш жараёнида ҳужжатларни йўқотиш хавфи мавжуд эмас;
- электрон суд хизматлари суди дорасидан фарқли ўлароқ туну-кун ишлайди, бу тарфаларга исталган вақтда ҳужжатларни тайёрлаш ва юбориш имконини беради.

Ахборот тизимининг барча функцияларидан фойдаланилган ҳолда тарафлар суд жараёнини онлайн тарзда кузатиб бориш, реал вақт режимида маълумот олиш, вазиятга тезда жавоб бериш ва керакли ҳужжатларни юбориш мумкин.

Амалда суд ва суд процесс ииштирокчилари ўртасида электрон ҳужжат айланиши майдони бўлади. Суд ишларини рақамлаштириш иқтисодий судларда самалироқ натижа беради.

Юридик шахслар электрон ҳужжатларни расмийлаштириш ва электрон хизматларнинг асосий фойдаланувчилари ҳисобланади. Бу эса суд ишларини электрон майдонга ўтказиш иқтисодий ишларни расмийлаштириш соддалаштиради ва харажатларни оптималлаштиради.

Ҳужжатларни судга шахсан топшириш ёки почта орқали жўнатиш учун кўп вақт талаб этилади. Бундан ташқари, ҳамма процессуал харакатлар факат даъво бериш билан чекланмайди. Аризаларни топшириш, ҳужжатларни далил сифатида тақдим этиш, суд ажримлари устидан шикоят қилишда иқтисодий ишларни рақамлаштириш қулайликлар яратади.

Давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, ишончнома, низони ҳал қилиш учун талабнома юбориш тартибига риоя қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар, тарафларнинг ёзишмалари, қарши даъво аризалари ёки эътиrozлар ва бошқа ҳужжатлар электрон шаклда юбориш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий суд ишларини рақамлаштириш тарафларга қулайликлар яратишга ҳамда электрон одил судловни такомиллашишига ҳизмат қилган бўлар эди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сонли Фармони 14-банди, <https://lex.uz/docs/5459107>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.09.2020 й., 07/20/4818/1255-сон.

3. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий Процессуал Кодекси. Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.09.2021 й., 03/21/716/0877-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги ПҚ-4818-сонли қарорига 2-иловасидаги Судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича «Йўл Харитаси» Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.09.2020 й., 07/20/4818/1255-сон.

4. <https://legalserviceindia.com/legal/article-3613-virtual-courts-challenges-and-opportunities.html>

5. Олий суд. Стат.уз. <https://stat.sud.uz/file/2021/>.



## ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАРНИНГ ЗАРАРЛИ АХБОРОТ МУҲИТИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ОТА-ОНАЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

Махмудходжаева Умида Муминовна  
ИИВ Академияси ўқитувчisi  
Тел. +99891-140-93-57

**Аннотация.** Мақолада вояга етмаган болаларнинг заарли ахборот муҳитидан ҳимоя қилишда ота-оналарнинг мажбуриятлари таҳлил этилди, ҳамда, заарли ахборот муҳити, болаларнинг шахсий-номулкий ҳуқуқларининг янги босқичлари ёритилди.

**Таянч тушунчалар:** вояга етмаган бола, шахсий-номулкий ҳуқуқ, заарли ахборот муҳити.

Сўнгги пайтларда болалар ва ўсмирларда ўз жонига қасд қилиш тенденцияларининг шаклланишига Интернетнинг таъсири муаммоси айниқса кескинлашди. Бугунги кунда ўз жонига қасд қилишларнинг умумий сони бўйича Россия Федерацияси дунёда олтинчи ўринда (Литва, Корея, Қозоғистон, Беларус ва Япониядан кейин). Бироқ, Россия 15-19 ёшли ўсмирлар ўз жонига қасд қилишлари сони бўйича Европада биринчи ва дунёда биринчи ўринларда туради. Мамлакатда хар йили ўртacha 200 дан ортиқ бола ва 1500 нафар ўсмир ўз хоҳиши билан вафот етади. Мисол учун, 2013 йил июн ойида Перм ўлкасида вояга етмаган қиз абадий саодатга қўнғироқлар билан тўла сайт саҳифаларида кўп вақт ўтказиб, ўз жонига қасд қилди[1]. Шу боисдан ҳар бир боланинг фаравон ва хавфсиз ҳаётини таъминлаш устувор вазифалардан бири эканлигини таъкидлаш жоиз.

Ахборот технологиялари ривожланган мамлакатлар (Испания, Португалия, Франция, Польша, Бразилия, АҚШ, Хитой, Россия, Хиндистон) да “Ўлим гурухлари”. “Ко‘к кит” каби ижтимоий тармокдаги ўйинлар сабаб болаларнинг ўз жонига қасд қилиш[2] ҳолатлари ортиб кетганлигини таҳлил этадиган бўлсак, болаларнинг оммавий авҳборот воситаларидан ҳимоя қилиш бўйича ота-оналарнинг шахсий-номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишда муаммолар мавжудлиги кўзга ташланади.

Маълумки 1959 йилда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари декларацияси”[3] “Инсоният ўзида мавжуд бўлган энг яхши нарсаларнинг ҳаммасини болаларга беришга мажбур” деб элон қилган. Мазкур ҳалқаро норматив хужжат ҳар бир боланинг маънавий, жисмоний, маърифий ривожлантириш қадр-қиммат ва имконият ҳуқуқига эгалигини эътироф этади. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги қарори билан ратификация қилинган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция эса “Бола ҳуқуқлари декларацияси” қоидаларини ривожлантириди. Конвенция болаларнинг барча мулкий ва шахсий-номулкий ҳуқуқлари билан бирга турли хил миллий ва ҳалқаро манбаларнинг ахборотлари ҳамда материаллари айниқса ижтимоий, маънавий ва ахлоқий фаравонликка, шунингдек боланинг соғлом, жисмони ва руҳий ривожланишига кўмаклашишга қаратилган ахборотдан фойдаланишини кафолатлаб беради. Шу билан бирга, боланинг оммавий ахборот воситаларидаги маълумотлардан фойдаланиши, унинг руҳий, жисмоний ва аклий жиҳатдан ривожланиши бўйича асосий мажбуриятни ота-оналар (фарзандликка олувчилар, васийлар) зиммасига юклайди. «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида»ги Конвенциясининг 17-моддасига биноан ҳар бир вояга етмаган шахс оиласи, жамият ва давлат томонидан ўз ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда талаб қилинадиган алоҳида ҳимоя чоралари кўрилиши ҳуқуқига эга[4] лиги белгилаб қўйилган.

Мазкур қоида миллий қонунчилигимиз нормаларида хусусан Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-139-сон қонунида ҳам ўз аксини топган бўлиб, унга қўра Ҳар бир бола ўзининг соғлиғи, ахлоқий ва маънавий камол топишига зиён етказмайдиган ахборотни олиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир бола ҳар қандай ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга, қонунда назарда тутилган чеклашлар бундан мустасно.Pornография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга заарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намойиш этиш



тақиқланади[5] деб кафолатлаб қўйилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”[6]ги ЎРҚ-444-сон қонуни билан болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинди ҳамда болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилди.

Миллий қонунчилигимизга кўра болаларнинг заарли ахборотлардан ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси ва вояга етмаганлар ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) идоралараро комиссиялари, маҳаллий давлат хокимияти органлари, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни саклаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни саклаш муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг худудий бўлинмалари томонидан амалга ошириш меҳанизми ишлаб чиқилди. Бироқ боланинг заарли ахборот оқимидан ҳимоя қилишда аввало жамият эмас балки унинг ота-онасининг маъсуллигини ошириш, боланинг ақлий, руҳий, жисмоний камол топишида дастлабки қадам оиласдан бошланиши зарурлигини эътироф этиш жоиз. Замонавий тадқиқотларга кўра боланинг уч ёшгача бўлган даврида бош миядаги хужайраларнинг 70-80 фоизини шаклланиб улгуради[7]. Бу ёшда болага бир пайтнинг ўзида тўрт ва беш тилни ўргатиш мумкинлиги ўз исботини топган бўлса, б ойлик чақолоқни 8 минутгача сувда суза олиш имконияти ўз тасдифини топди. Мазкур вакт оралиғида эса бола фақатгина оиласи аниқроқ айтганда ота-онаси билан мулоқатга ва муносабатга киришади.

Хулоса сифатида айтганда, Ахборот жамияти ривожланишининг ҳозирги шароитида ёш авлод ота-оналар томонидан алоҳида ҳимояга муҳтож ва вояга етмаганларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари алоҳида эътиборга лойиқdir. Ахборот-коммуникация технологияларнинг ривожланиши шароитида вояга етмаган болаларнинг шахсий-номулкий ҳукуқлари сифатида ахборт хавфсизлигини ота-оналар томонидан ҳимоя қилиш кўйидагилар билан изоҳланади.

Биринчидан, болаларни заарли ахборот таъсиридан ҳимоя қилишда ота-оналарнинг болани тарбиялаш ва назорат қилиш бўйича мажбуриятларини тартибга солиш талаб этилади.

Иккинчидан, ота-оналарнинг болани ижтимоий фойдали фаолиятга тайёрлаш учун унинг жисмоний ва интеллектуал ривожланишига барқарор маънавий таъсир ўтказиш чораси сифатида ҳукуқий ва диний нормаларнинг ўйғунлигини таъминлаган ҳолда ўзига ҳос аҳлоқ нормаларни амалга оришиш зарур ҳисобланади.

Учинчидан, болани заарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича ота-оналар учун миллий дастур ишлаб чиқиши яъни боланинг интернет тармоғидан фойдаланишда ота-оналар назоратини ўрнатувчи дастурлар ишлаб чиқиши ва жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда боланинг заарли ахборот муҳитидан ҳимоя қилиш бўйича ота-она зиммасига комплекс мажбурият юкловчи нормаларни ишлаб чиқиши ва жорий этиш олдимиздаги долзарб вазифалардан ҳисобланади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Оила кодекснинг 741 моддаси билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади “Ота-она боланинг заарли ахборотлардан ҳимоя қилиш мажбурияти. Ота-оналар болани ахборот муҳитининг хавф-хатари билан таниширишга мажбурдирлар Ота оналар ўз болаларини заарли ахборот воситаларидан ҳимоя қилиш ҳукуқига эга ва ҳимоя қилиши шарт.”, хусусан, Оила кодекснинг 742 моддаси билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.”Боланинг ёшига тўғри келмайдиган, уларнинг соғлиғига ва ривожланиши учун заарли бўлган маълумотларга киришини чеклашга ота-оналар, фарзандликка олувчиликлар васийлар ёки ҳомийлар мажбурдирлар” деган нормаларни қонунчиликка киритиш ва амлиётга жорий этиш лозим.



### Фойдаланилган адабиётлар

1. Е.А Брылева. О реализации права на информационную безопасность несовершеннолетних (на примере Пермского края) // Информационное право. 2015. N 1. С. 31–34.
2. А.П. Суходолов, А.М. Бычкова. К вопросу о роли средств массовой информации в противодействии пропаганде суицида в социальных сетях. [Электрон ресурс]: [www/http/cyberleninka.ru](http://cyberleninka.ru)
3. Декларация прав ребенка. Принята резолюцией 1386 (XIV) Генеральной Ассамблеи ООН от 20 ноября 1959 года. [https://www.un.org › decl\\_conv › declarations › childdec](https://www.un.org › decl_conv › declarations › childdec)
4. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги конвенцияси Минск, 1995 йил 26 май 1998 йил 11 августда курган. [Электрон ресурс]:
5. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги ўрқ-139-сон қонуни *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон*
6. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-444-сон қонуни *Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 26.01.2022 й., 03/22/747/0064-сон*
7. Масару Ибука. После трех уже поздно.



## ХУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАСИ СИФАТИДА МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Абдуллаев Боймурод Жўраевич,  
Судъялар олий кенгаши хузуридаги  
Судъялар олий мактаби таянч докторанти,  
Телефон: +998901120801

**АННОТАЦИЯ:** Ҳозирги кунга тадбиркорлик субъектларига хуқуқий таъсир чораси сифатида молиявий санкцияларни қўллаш оид масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур тезисда молиявий санкцияларни қўллаш асослари, тартиби ва уларни такомиллаштириш йўналишлари таҳлил қилинган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** хуқуқий таъсир чораси, молиявий санкция, хуқуқбузарлик, импорт контрактлари, жарима, қарздорлик, суд карори.

Дунёдаги глобаллашув ҳамда халқаро иқтисодий хамжамиятга интеграциялашув жараёнларининг иштирокчиси бўлган Ўзбекистон ҳам ўзининг халқаро иқтисодий муносабатларини мунтазам тарзда ривожлантириб бормоқда.

Халқаро иқтисодий муносабатларда Ўзбекистон учун нафақат экспорт, балки импорт контрактлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбатида, улар солиқ органлари томонидан солиқ назорати мониторингини олиб боришни талаб қиласди. Зоро, импорт операциялари орқали тадбиркорлик фаолиятининг қонун доирасида амалга оширилиши, ҳар хил суиистемолчиликнинг олди олиниши ва мамлакат иқтисодиётининг уйғун ривожланиши таъминланади.

Маълумки, республикамиизда Президентнинг 2005 йил 14 июнданги “Тадбиркорлик субъектларини хуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3619-сон Фармони билан 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан хуқуқий таъсир чораларини факат суд орқали қўллаш тартиби жорий этилган[1].

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 217-моддасига мувофиқ, молиявий санкцияларни қўллаш (бундан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пенялар ҳисоблаш, шунингдек юридик шахснинг ёки фуқаронинг содир этилган хуқуқбузарлиқдаги айни тан олганлиги ва молиявий санкциялар суммаларини ихтиёрий равишда тўлаганлиги ҳоллари мустасно) иқтисодий судлар томонидан амалга оширилади[2].

Бугунги кунда ташқи савдо операциялари амалга оширилиши билан боғлиқ молиявий санкцияларни қўллаш нисбатан кўп қўлланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сон қарорига 1-илова сифатида тасдиқланган Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги Низом талабларининг бажарилмаслиги бундай молиявий санкцияларни асос бўлиб хизмат қилмоқда[3].

Мазкур ҳужжатга кўра, товарларни республикага олиб кириш ва «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимига расмийлаштириш, шунингдек, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш ёхуд улар учун тўланган пул маблағларини қайтариш муддати импорт контрактлари бўйича тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 180 кундан ортиқ бўлмаслиги керак.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида тузилган контрактлар бўйича ёки контрактлар Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимларни амалга ошириш доирасида Бошқарувчи қўмита томонидан тасдиқланган тақдирда, шунингдек, асбоб-ускуналар ва (ёки) бутловчи буюмлар етказиб бериш бўйича импорт контрактлари шартларида асбоб-ускуналар ва (ёки) бутловчи буюмларни етказиб бериш муддати уларнинг техник хусусиятлари ва ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда 180 кундан ортиқ белгиланганда – импорт контрактларида белгиланган муддатлардан ошмаслиги лозим.

Ташқи савдо контрактлари бўйича активлар репатриация қилинишини (чет элдан хорижий валютадаги маблағлар келиб тушишини ёки ушбу Низомда кўрсатилган божхона режимларида товарлар республикага олиб кирилиши ва расмийлаштирилишини, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилишини ёки пул маблағларининг қайтарилишини) мазкур



Низомнинг тегишли бандларида белгиланган муддатлар тугагандан кейин 30 банк иш куни (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун – 60 банк иш куни) мобайнида таъминланмаган хўжалик юритувчи субъектлар:

180 кунгача кечикканда – тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда;

180 кундан 365 кунгача кечикканда – тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 20 фоизига тенг миқдорда қўшимча;

365 кундан ортиқ кечикканда – тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилмаган товарлар, шунингдек бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар суммасининг 70 фоизига тенг миқдорда республика бюджети даромадига қўшимча жарима тўлайдилар.

Кўйидаги ҳолларда хўжалик юритувчи субъектларга ташки савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун жарима қўлланилмайди:

жарима қўллаш ҳақидаги аризада кўрсатилган контрактлар бўйича «Валютани тартибга солиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ тўлиқ ёки қисман репатриация қилинган активлар суммасига нисбатан;

асбоб-ускуналар ва (ёки) бутловчи буюмлар етказиб бериш бўйича импорт контрактлари шартларида асбоб-ускуналар ва (ёки) бутловчи буюмларни етказиб бериш, шу жумладан уларни узоқ муддатли ижарага бериш муддати уларнинг **техник хусусиятлари ва ўзига хослигидан** келиб чиқкан ҳолда 180 календарь кундан ортиқ белгиланган бўлса;

чет элдаги корхона номига олиб чиқилган ҳамда транспортда ташиш ва сақлаш жараёнида экспортчига ва чет элдаги корхонага боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра яроқсиз бўлиб қолган ёки импорт қилувчи давлат органи томонидан мусодара қилинган товарларга тегишли ваколатли органнинг экспертизаси далолатномаси ва (ёки) товарлар турган мамлакат божхона органининг божхона назорати остида уларнинг йўқ қилинганлиги ёки мусодара қилинганлиги тўғрисидаги тасдиқномаси тақдим этилганда;

айни бир қарздорлик предмети ва товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) амалдаги экспорт ва импорт ҳажми бўйича такорий жарималар;

экспорт операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг умумий суммаси муддати ўтган дебитор қарздорлик юзага келган санадан олдинги 36 ой давомида таъминланган валюта тушумининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳолатларда.

Хўжалик юритувчи субъектларга давлат солиқ хизмати органи томонидан жарима қўллаш тўғрисида талабнома юборилади.

Талабномада жарима суммаси уни жўнатиш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта курси бўйича сўмда ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъект давлат солиқ хизмати органига талабнома олинган кундан эътиборан ўн кун муддатда ташки савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликларнинг бартараф этилганлиги ёки жарима суммаси ихтиёрий равища тўлаб берилганлиги ҳақидаги маълумот(лар)ни ёзма ёки электрон шаклда тасдиқловчи хужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этиши шарт.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан талабномага асосан жарима суммаси ихтиёрий равища тўланган кундан 90 кун ичida ташки савдо контрактлари бўйича валюта маблағларининг тушиши ёки товарларнинг республикага олиб кирилиши ҳамда «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилиши, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши таъминланган тақдирда, тўланган жарима суммаси қисқартирилиши таъминланган қарздорлик миқдорига мутаносиб равища қайтариб берилади.

Ариза киритиш санасида хорижий валюта курси ўзгарган тақдирда, талабномада кўрсатилган сумма қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Аризада кўрсатилган ташки савдо контрактлари бўйича валюта маблағларининг тушиши ёки товарларнинг республикага олиб кирилиши ҳамда «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилиши, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилиши таъминланган тақдирда:

жарима қўллаш масаласи судда қўриб чиқилаётган пайтда – аризани қаноатлантириш қисқартирилиши таъминланган қарздорлик миқдорига мутаносиб равища рад этилади;



суд ҳужжати қонуний кучга кирмаган вақтда – ижрога қаратилмайди.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг давлат солиқ хизмати органи ҳўжалик юритувчи субъектнинг шахсий варақасида қўлланилган жарима суммасини ҳисобга олади.

Ҳисобга олинган жарима суммаси солиқ қарзи сифатида эътироф этилиб, белгиланган тартибда мажбурий ундирув чоралари қўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 221-моддасига кўра, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган қундан эътиборан ўн беш қундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилиши керак, бундан ариза судга келиб тушганидан кейин камидан бир ойдан сўнг қўриладиган молиявий санкцияларни қўллаш тўғрисидаги ишлар мустасно.

Суд ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда суд мажлисида: ҳукуқбузарлик ҳодисаси бўлган-бўлмаганлигини ва унинг содир этилганлиги фактини; текшириш учун ва текшириш натижалари бўйича далолатнома ёки бошқа ҳужжат тузиш учун асослар ва назорат қилувчи органнинг ваколатлари бор-йўқлигини; мазкур ҳукуқбузарликни содир этганлик учун қонунчилиқда жавобгарлик назарда тутилган-тутилмаганлигини ва ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш учун асослар бор-йўқлигини аниқлайди.

Молиявий санкцияларни қўллаш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда суд молиявий санкциялар суммасининг ҳисоб-китоби қанчалик тўғрилигини ҳам текширади.

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича келишув битими ёки медиатив келишув тузилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 222-моддасига асосан, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича суднинг ҳал қилув қарори ушбу Кодекснинг 21-бобида белгиланган қоидаларга кўра суд томонидан қабул қилинади.

Ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича суд ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисида ёки билдирилган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қиласди.

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисида билдирилган талаб қаноатлантирилган тақдирда, суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмida қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилган шахснинг номи;
- 2) ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш учун асос бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- 3) молиявий жазо чораси қўлланилган тақдирда унинг миқдори; зиммасига молиявий жазо чораси суммасини ундириш юклатилган назорат қилувчи органнинг номи.

Суднинг ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори, агар апелляция шикояти (протести) берилмаган бўлса, у қабул қилинганидан кейин ўн кун ўтгач қонуний кучга киради.

Апелляция шикояти (протести) берилган тақдирда суднинг ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган қундан эътиборан қонуний кучга киради.

Ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаси ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин уч иш куни ичидаги суд томонидан иштирок этувчи шахсларга юборилади ёки тилхат олиб топширилади, ушбу шахсларнинг электрон манзиллари мавжуд бўлган тақдирда эса ҳал қилув қарори электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, молиявий санкцияларни қўллаш оид қонунчилик ҳужжатлари замонавий тараққиёт талаблари ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари устуворлиги нуқтаи назаридан ислоҳ қилиниши, жумладан, жарималар миқдори камайтирилиши, бундай тоифадаги ишлар бўйича келишув битими ёки медиатив келишув тузилишига рухсат берилиши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 23-24-сон, 167-модда;
2. <https://lex.uz/docs/3523891>;
3. <https://lex.uz/docs/4812419>.



## МЕҲНАТ ҲУҚУҚИДА МУДДАТЛАРНИ ҚОНУНИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Рахимберганова Бону Давлатназаровна

Тошкент давлат юридик

университети таянч докторанти

Телефон: +998(90)1150537

bondav0116@gmail.com

**Аннотация:** Мехнат ҳуқуки соҳасида юридик факт сифатида тан олиниши мумкин бўлган муддатларни қонун доирасида аниқ тартибга солиш бугунги кундаги ҳар бир ривожланган давлатнинг меҳнат қонунчилиги олдидағи устувор вазифадир. Мазкур мақолада муддатларни қонун ҳужжатларида аниқ белгилашнинг айрим масалалари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** меҳнат ҳуқуки, муддатлар, муддатли меҳнат шартномаси, юридик фактлар, ходимлар ҳуқуқлари.

Меҳнат ҳуқуки соҳаси хусусий ҳуқуқ элементларига эга бўлган оммавий ҳуқуқ соҳаси бўлгани учун ҳам унда иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, меҳнат ҳуқуки институтларининг таркиби ҳисобланувчи ҳар қандай жараён қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Бунда давлатнинг иштироки асосий ўринга эга. Шу сабабли ҳам Мехнат ҳуқуки билан тартибга солинган муддатлар – бу меҳнат қонунчилигига, локал норматив ҳужжатларда, шартнома ва келишувларда назарда тутилган вақтнинг бир қисми (давр) бўлиб, улар маълум бир юридик фактларни вужудга келтиради, ўзгартиради ёки бекор қиласиди. Меҳнат ҳуқуқида муддатлар зарурӣ мезонлардан бири бўлиб, муддатлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида вақтинчалик шарт-шароитлар, меҳнат ҳуқуки субъектларининг ўз ҳуқуқларини амалга ошириш имконияти, шунингдек, уларнинг вазифаларини ўз вақтида бажаришлари, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари учун аниқ муддат белгилашни назарда тутади.

“Муддат” тушунчасининг меҳнат ҳуқуқида ва қонунчиликда мавжудлигига қарамай, унинг ҳуқукий шартлари хусусида меҳнат ҳуқуқининг илмий-тадқиқот соҳасида юридик категория сифатида ҳозирги вақтга қадар ҳеч қандай аниқлик киритилмаган, ҳуқукий адабиётларда муддатларнинг турлари классификация қилинмаган, унинг юридик табиати ёритиб берилмаган. Бундан ташқари, меҳнат ҳуқуқида муддатларни ҳуқукий тартибга солиш билан боғлиқ масалаларда айрим бўшликлар мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин. Бундай ҳолларда эса, биз Фуқаролик ҳуқуқи соҳасида мавжуд умумий муддатларга мурожаат қилишимизга тўғри келади. Аммо, меҳнат ҳуқуқида муддатларни қўллашнинг аниқ механизмига риоя қиласлик, маълум даражада ҳуқуқлар бузилишига ёки меҳнат ҳуқуқининг процессуал тартиби бузилишига олиб келади. Кўрсатиб ўтилган ҳолат эса, меҳнат ҳуқуқида муддатларни аниқ белгилаш ва уларга қатъий риоя қилиш зарурияти мавжудлигидан далолат беради.

Беларус олими О.В.Кузакованинг таъкидлашича “Ҳуқукий соҳада “ҳуқукий муддат” тушунчасининг мазмунини очиб беришга қаратилган турли таърифлар ва турли ёндашувлар мавжуд, аммо ҳуқуқни қўллаш амалиётида амалиётчи олимлар муддатларга аниқ ижтимоий вазиятларни вужудга келтирувчи юридик факт сифатида қараб, муддатлар аниқ ҳуқукий оқибатларни вужудга келтириши зарур деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга, ҳуқукий муддатларга фақат юридик факт сифатида эмас, балки ҳуқукий оқибатларни юзага келишини таъминловчи юридик шарт сифатида қараш ҳам муҳим аҳамият касб этади”. [2]

Таъкидлаш жоиз, фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқшунос олим Н.Имомов муддатларни юридик фактларнинг айнан ҳодисалар ва хатти-ҳаракатлар гурухига киритади. [3]

Бизга маълумки, юридик фактлар – ҳуқукий нормалар асосида ҳуқукий муносабатларни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва барҳам топтирувчи ҳаётий ҳодисалардир. Юридик фактлар ҳуқукий тизимда, ҳуқукий тартибга солиш механизмида муҳим роль ўйнайди ва катта аҳамият касб этади. Улар ҳуқукий норма билан аниқ ҳуқукий муносабат ўртасидаги боғловчи бўғиндир. [4]

Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексида [1] ҳам ҳуқукий муддатлар мавжуд бўлиб, уларни қуйидаги гурухлаш мумкин:



- меҳнат-хуқуқий муносабатлар субъектларининг хуқуқ ва мажбуриятлари амал қиладиган вақт оралиғи;
- шартли муддатлар;
- хуқуқий хужжатларнинг амал қилиш даврининг чегарасини белгиловчи муддатлар;
- ходимларнинг иш берувчидан хуқуқларини талаб этиш учун ўрнатилган муддатлар;
- процессуал муддатлар ва бошқалар.

Меҳнат кодексида ўрнатилган меҳнат шартномасининг муддатини, иш вақтини ва шу каби хуқуқ ҳамда мажбуриятлар шу вақт орасидагина амалда бўладиган муддатни киритиш мумкин. Шунингдек, муддатларнинг бу турига ходимнинг меҳнат низолари бўйича судга мурожаат қилиш муддатини ҳам қисман киритиш мумкин. Чунки ходим мазкур вақт оралиғида иш берувчидан ўзининг бузилган хуқуқларини тиклашни талаб қилиш хуқуқига эга бўлади.

Юқорида келтирилган муддатларнинг иккинчи турига, яъни шартли муддатларга бирор бир хуқуқий оқибатни юзага келишини шарт қилиб қўювчи муддатларни киритсан бўлади. Бунда шартнома муддати ҳам шартли муддат ҳисобланади, чунки унинг тугаши шартноманинг бекор бўлишига сабаб бўлади.

Хуқуқий хужжатларнинг амал қилиш даврини белгиловчи муддатларга жамоа шартномалари, жамоа келишувлари ва бошқа локал хужжатларда назарда тутилган муддатларни киритиш мумкин.

Ходимларнинг иш берувчидан хуқуқларини талаб этиш учун ўрнатилган муддатларга эса меҳнат хуқуқидаги даъво муддатлари аниқ мисол бўла олади.

Маълумки, процессуал муддатлар ҳар доим бирор бир иш жараёнини давом этиш муддати билан боғлиқ бўлади. Бу каби муддатларга жамоа музокараларини ўтказиш билан боғлиқ муддатларни, меҳнат низоларини меҳнат низолари комиссиясида ва судда кўриб чиқиш билан боғлиқ муддатларни киритишмиз мумкин.

Бошқа муддатларга еса Меҳнат кодексидаги таътилларнинг муддатларни мисол тарзида кўrsatiш мумкин.

Рус олими С.А.Торопкин ҳар қандай хуқуқий институтни классификация қилишда ушбу классификациянинг мезонлари аниқ бўлиб, айрим талабларга жавоб бериши керак еканлигини таъкидлайди, яъни:

- якунига етказилиши;
- ҳар қандай жараёнда ҳам ўзгармас бўлиши;
- гуруҳлардаги элементлар бир бирини истисно этиши лозим;
- ажратиш узлуксиз бўлиши лозим. [5]

Меҳнат шартномасинин тузишида ҳам муддатнинг аҳамияти юқоридир.

Муддатли меҳнат шартномаларида шартнома муддатини белгилашнинг 3 хил усули мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири тегишлигига кўра муҳим ҳисобланади. Муддатли меҳнат шартномасида шартноманинг зарурий шарти сифатида нафақат ишнинг бошланиш муддати, балки ишнинг тугаш муддати ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Амалдаги Меҳнат кодексининг 75-моддаси мазмунига кўра, ҳар қандай ҳолда ҳам муддатли меҳнат шартномаси 5 йилдан ортиқ муддатга тузилиши мумкин эмаслиги белгиланган. Янги таҳрирда қабул қилинаётган Меҳнат кодексида эса, бу муддат 3 йилга қисқартирилган.

Таъкидлаш жоизки, муддатли меҳнат шартномаси бир қатор олимларнинг тадқиқот ишлари обекти бўлган. Хусусан, В.И.Василева номзодлик диссертациясида муддатли меҳнат шартномаларининг қатор ўзига хос жиҳатларини санаб ўтади. Булар: муддат ушбу шартноманинг энг муҳим шарти ҳисобланиши, шартноманинг қўлланиш доираси қонунчилик билан чегараланиши, шартнома муддатининг якунланиши, меҳнат муносабатлари тўхтатилмаган ҳолатлардан ташқари, меҳнат муносабатларининг умумий асосда бекор бўлиши, маълум сабабларга кўра муддатли меҳнат шартномасини номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасига ўзгартирилиши, меҳнат хуқуқи бўйича муддатли меҳнат шартномасида ишлаётган ходимларнинг номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ходимлар билан бир хил хуқуқ ва имтиёзларга ега бўлишилиги, муддатли меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ходимларга хуқуқларини бузилмаслигига доир кафолатларнинг белгиланиш ҳолатларига эътибор қаратилган. [6]

Хулоса тариқасида айтиш мумкини, Меҳнат қонунчилигига муддатларни аниқ белгиламаслик ходимлар хуқуқларини бузилишига олиб келади. Сабаби иш берувчи иш



вақтини белгилашда, таътил беришда, жамоа шартномаси тузишда, меҳнат шартномаси тузишдамудатларга риоя қилмас экан, унда ходимларга бирор бир хукуқ ёки мажбурият юкловчи юридик фактлар ҳам вужудга келмаслиги мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.02.2022 й., 03/22/752/0113-сон.

2. Кузакова О.В. Сроки в трудовом праве как юридические факты и как юридические условия: Сравнительно-правовой аспект: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Екатеринбург, 2008. Электрон вариант: <http://law.edu.ru/>.

3. Имомов Н.Ф. Фуқаролик хукуқида муддатлар ва даъво муддати. Монография. – Т.:ТДЮИ. 2005. – Б. 9.

4. Одилқориев Х.Т. Давлат ва хукуқ назарияси. Дарслик. – Тошкент: “Адолат” нашриёти, 2018. – Б. 306.

5. Торопкин С.А. Виды юридических сроков в российском праве. // Вестник Нижегородской академии МВД России, 2011. – №1(14). – С. 294.

